



Оталик бурчи унутилганда оилага дарз кетади, турмушда тутум

2-с.

“Аёлларнинг бахтли турмуши — кунимнинг энг муҳим ташвиши”

Оила ва хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ турли масалаларни ҳал қилишда “еттилик” ходимлари менга доимий елкадош.

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№15  
(2343)

2026 йил  
25 ФЕВРАЛЬ,  
ЧОРШАНБА

# Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

Кўмак

### УЮШМА 100 МИНГТА ОИЛАГА “РАМАЗОН СОВФАСИ” УЛАШДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Муборак Рамазон ойида инсонпарварлик, кам таъминланган ва эҳтиёжманд шахслар, ёрдамга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида бир қатор амалий чора-тадбирларни белгилаб олди.



умладан, республикадаги 8 992 та маҳаллада “еттилик” тавсияси асосида ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда 100 минг нафар ногиронлиги бўлган, яққа-ёлғиз, боқувчисини йўқотган ва Ижтимоий реестрга киритилган фуқаро-

ларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди.

Мазкур фуқароларга давлат кўмаги сифатида 100 минг дона Рамазон совғалари тайёрланди. Ҳар бир совғада 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари жамланган (ун, ўсимлик ёғи, гуруч, шакар, макарон, гречка, хурмо, печенье, қора чой, ичимлик сув).

Давоми 2-саҳифада.



### БУГУНГИ СОНДА:

#### Бароридан келган иш барқарор даромадга манбаадир

Камбағалликнинг келиб чиқиш сабаби ҳар бир хонадонда турлича. Фуқароларда аниқ касб-хунар кўникмалари йўқ. Бунинг оқибатида доимий иш жойига эга эмас.

3-с.

#### Изланиш, ўрганиш ва журъат — ухлаб ётган истеъдодни уйғотувчи куч

Ёшларимиз, аслида, интилувчан, ориятли ва салоҳиятли. Фақат улар ўзларига ишонишни ўрганиши керак. Ишсиз ёш, аввало, ўзи ташаббус кўрсатса, имконият эшиклари очилади.

5-с.

#### Матонат билан мушкуллар осон

Дардни ичга ютиб яшаш мумкин, аммо Хуррият опа бошқа йўлни танлади — маҳалладаги ижтимоий ходимга мурожаат қилди. Шундан сўнг оиланинг ҳолати ўрганилди ва амалий ёрдамлар берилди.

6-с.

#### Ҳар бир жиноят фавқулдда ҳолат, деб ҳисобланади

Барчага аёнки, ишсизлик ва қашшоқлик — инсоннинг ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга ундовчи асосий омил. Яъни, молиявий аҳволи оғир инсон кўпинча умидсизликка тушиб, турли жиноий ҳаракатлар қилишга мажбур бўлади.

8-с.

#### Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla\_raislari

@mahalladosh\_1

@mahalladosh



### НУҚТАИ НАЗАР

#### САРИШТАЛИК ОДОБИНИ ҚИЗ УЙИДАН ЎРГАНАДИ



Хонадонларда ўрнатилган тартиб-интизом секин-аста маҳалла ва жамият ҳаёти билан уйғунлик касб этади. Бугун ҳовлисига бир туп райхон ўтказган аёл эртага кўчасига гуллар экади. Унинг ёндашуви кўшилари ҳам илҳомлантириши аниқ. Қўриб турганингиздек, биргина саришталик ортидан юрт обод масканга айланади. Шундай экан, ўғил-қизларимиз тарбиясида айнан покизаликка риоя қилиш фазилатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

4-саҳифада.

### ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

#### Зўравонлик гўдак ҳаётига зарра даҳл қилмаслиги шарт



Болаларга нисбатан зўравонлик, бу — нафақат жисмоний жароҳат етказиш, балки боланинг соғлиғи, ривожланиши ва қадр-қимматига зарар берадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдир. Мурғаккина гўдакни уриш ёки дўппослаш унинг танасини эмас, балки руҳиятини қаттиқ шикастлайди. Бора-бора унда кўркүк, тажовузкорлик ва одамларга ишонмаслик каби муаммолар юзага келади, тенгдошлари билан тил топиша олмайди.

6-саҳифада.

### БАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР



## МАҲАЛЛА ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ

Ҳар бир ишда таҳлил ва таққос тўғри қарор қабул қилиш имкониятини беради. Оддий мисол: бундан 4-5 йил аввал ота-оналар фарзандини мактабга ёки боғчага жойлаштириш учун қанча овора бўларди. Айрим ҳолларда таъмагирлик ҳолатларига дуч келинарди. Бундай мисоллар кўп. Бугун давлат хизматлари маҳаллаларгача кириб бормоқда.



Маҳалла инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастурига асосан, туманларнинг олис ҳудудларида жойлашган маҳаллалар аҳолиси учун “бир қадам” тамойили асосида давлат, банк ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилади.

Мазкур жараёнда тажриба тариқасида Сирдарё вилоятининг Ховос тумани ва Наманган вилоятининг Янги Наманган туманларида маҳалла ахборот ва сервис марказлари ташкил этилади. Марказлар фаолияти туман марказидан, қоида тариқасида 20 километр ва ундан олисда жойлашган 5 та маҳаллада йўлга қўйилади, уларга ёндош маҳаллалар бириктирилади.

Давоми 2-саҳифада.



7-САҲИФА

### УЙ-ЖОЙ ВА МАШИНА НАҚД ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

Албатта, янги тизим дастлаб айрим фуқаролар учун қўшимча тушунтиришларни талаб қилади. Аммо унинг мазмунига эътибор қаратсак, бу ортиқча талаб эмас, балки хавфсизлик ва адолат кафолатидир.



**МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА 5 ТРИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ МАБЛАҒИ АЖРАТИЛАДИ.**



**МАҲАЛЛА РАИСЛАРИНИНГ ЙИҒИН МАБЛАҒЛАРИНИНГ САРФИ БЎЙИЧА ҲАР ЧОРАҚДА ОММАГА ОЧИҚ ҲИСОБОТ БЕРИШИ АМАЛИЁТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ.**



**Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ҳисобидан 54 та ЯНГИ МАҲАЛЛА БИНОСИ қурилиб, фойдаланишга топширилади.**

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

# Маҳалла ижтимоий ва ҳуқуқий хизматлар марказига айланади

**Э**нг муҳими, марказларда аҳолига барча турдаги давлат ва банк хизматлари кўрсатилади. Хусусан, эндиликда одамлар маҳалладан чиқмаган ҳолда, йиғин идорасининг ўзида пенсия миқдори, иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаларини олиши мумкин. Қолаверса, санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш, манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш, коммунал соҳалар билан боғлиқ шартномалар тузиш, иш ҳақини тасдиқлаш, маззули сўровлар тўғрисида маълумотнома олиш имконияти яратилади.

**Яна бир жиҳат:** марказларда маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, инфратузилма ва ижтимоий объектлар ҳолати, томорқа ва боғлар, профилактика каби маълумотларни ўзида акс эттирувчи ситуацион бошқарув платформаси жорий қилинади.

Айтиши керакки, мазкур ташаббус нафақат давлат хизматлари олиш кўникмасини ривожлантириш, балки аҳолини қийнаётган масалалар, ҳолатлар ҳақида хабардор бўлишга ёрдам бериши, яъни ўзига хос қайта алоқа ўрнатишга хизмат қилади. Қолаверса, тақлиф этилаётган хизмат турлари ва уларнинг сифати, қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор бериш лозимлиги, қайси жараённи энгиллаштириш ёки бекор қилиш ҳақида айнан хизмат истеъмолчисидан фикр олиш имконияти бўлади.

Режага кўра, дастлабки босқичда белгиланган туманларда 250 минг нафар аҳоли учун маҳаллаларнинг ўзида 500 га яқин давлат ва банк хизматлари кўрсатилади. 51 та маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ва инфратузилма ҳолати аниқ кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади.



**Эслатиш керак, “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, маҳаллаларда давлат хизматларини кўрсатувчи агентлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Улар йиғинларда 15 турдаги давлат хизматларини кўрсатиши белгиланган.**

Бугун аҳоли орасида “сервис давлат” деган янги тушунча пайдо бўляпти. Яъни фуқароларга хизмат кўрсатиш вазифаси биринчи даражага чиқаяпти. Шундай экан, эндиликда давлат хизматларининг маҳалла даражасида кўрсатилиши, аксариятидан онлайн (my.gov.uz орқали) фойдаланиш имконияти яратилгани фуқароларнинг давлатдан розилигига хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ.

**Давлат хизматлари “қийин ва мутлақо тушунарсиз” жараён тоифасидан “оддий, кундалик одат” даражасига айланишига эришилади.**

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## ОТАЛИК БУРЧИ УНУТИЛГАНДА ОИЛАГА ДАРЗ КЕТАДИ, ТУРМУШДА ТУТУМ

**Маҳалламиз кичкина, 2,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундай бўлса-да, ҳар бир оиланинг дарду ташвишини аритиш, муаммоларини ҳал этиш, орзунтилишларини қўллаб-қувватлаш “еттилик” аъзоларининг бирламчи вазифасидир.**

**Бахтиёр ОРИФЖОНОВ, Учтепа туманидаги “Хондамир” маҳалласи раиси.**

**О**чиғи, маҳалла тизимидаги узоқ йиллик фаолиятимиз давомида “еттилик” сингари аниқ мақсадга йўналтирилган, деярли барча соҳаларни қамраб олган, ҳар қандай кўмакни маҳалланинг ўзида ташкил этадиган ўзига хос тажриба йўлга қўйилмаган эди. Буни оддий одамларнинг ўзлари ҳам эътироф этапти. “Хондамир”да ҳам “маҳалла еттилиги” ўз фаолиятини самарали олиб борапти.



**Аниқ рақамларга эътибор қаратсак. Жорий йил бошида 31 та оила “Камбағал оилалар реестри”га рўйхатга олинди, шу вақтга қадар 20 таси реестрдан чиқарилди, уларнинг оила аъзолари бандлиги таъминланди. 11 та оила билан аниқ индивидуал режалар асосида ишланаяпти. 2026 йилда маҳалламиз камбағалликдан холи ҳудудга айлантирилди. Шунингдек, 16 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилди, 20 та иш ўрни яратилди.**

Маҳалламиз ажралиш ва жиноятчилик масаласида “яшил” тоифада. Утган йили ва жорий йилнинг шу даврига қадар бирорта оила ажрашмади, жиноят содир бўлмади. Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, оилавий ажралишларга, асосан, молиявий масалалар, етишмовчилик, йўқчилик сабаб бўляпти. Уғлимизни уйлантиришга шошялмизу, унинг эртага оилани эплаши, рўзгорни юрита олишини ҳисобга олмаямиз. Аксарият ёшларнинг қўлида бирорта касби йўқ ўқимаган, оқибатда ишсиз юрaverди.

Қўзатсангиз, бугун кўпгина оилаларда оналар назоратни қўлга олган. Эракларнинг оиладаги ўрни йўқолиб борапти. Нега? Сабаблар яна ўша молиявий жиҳатга бориб тақалади: уйда етарли шароитни қилиб қўймаган, рўзгорнинг кам-кўстини бутламаган, оталик бурчини унутиб қўяётган эракни аёли ҳурмат қилади? Айниқса, шундан сўнг, аёлнинг ўзи ишласа, пул топса, рўзгорни юритса, “эрни нима қиламан, иккита болани ўзим эплаб оламан”, деган қараш шаклланиб боради. Оилага дарз кетади...

Шу билан ҳаммаси тугайдими? Афсуски, йўқ! Икки ўртада болалар жабр чеккани қолади. Оғриқлиси, бу ажралиш эртага болаларнинг ҳаётига салбий таъсир кўрсатишда давом этади: ўқиши, юриш-туришини назорат қилиш сусаяди, энгил ҳаётга ўрганиб боради, онанинг уларни тергаб туришга вақти бўлмайди. Демак, оила қуришдан олдин, биринчи навбатда, йигитлар бирор хунарли, касб-корли бўлсин, эртага оилани мустақил идора қилар олсин, рўзгорни бутласин! Зеро, ажралишлар тахлили бундай ҳолат кўпичинча ўзига тўқ оилаларда эмас, айнан етишмовчилик доимий муаммо бўлган хонадонларда кўпроқ кузатишмоқда.

Яна бир гап: кўчабоши ва уйбошиларнинг нуфузини ошириш керак. Боиси оилалардаги мавжуд ҳолат, уларнинг муаммолари, ҳудуддаги камчиликлардан айнан улар орқали доимий хабардор бўламан. “Жамоатчилик асосида” деган сўзлар билан уларни шунчаки ишлатиб бўлмайди. Уларнинг ҳам рўзгори бор, ташвишлари етарлича. Истардикки, кўчабоши ва уйбошиларга аниқ белгиланган миқдорда устама ёки ойлик маош тўлаб борилса. Бу — уларнинг масъулиятини ошириб, маҳалла ишини жонлантирарди.

ОБОД ВА ФАЙЗЛИ ГЎША

## Янги Ўзбекистон қиёфаси — янги ҳаёт муҳити

**“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”, бу — фақатгина ташқи кўриниши янгиланган ҳудуд эмас, балки инсон қадри, аҳоли фаровонлиги, ижтимоий адолат ва барқарор тараққиёт тамойилларига асосланган янги ҳаёт муҳитини ифода этувчи замонавий маҳалла модели ҳисобланади.**



**У**шбу концепция доирасида маҳаллаларда замонавий инфратузилма яратилади, муҳандислик-коммуникация тармоқлари янгиланади, ижтимоий хизматлар сифати оширилади, аҳоли учун қулай ва хавфсиз яшаш муҳити шакллантирилади. Айна мақсадда Сурхондарё вилоятининг 35 та маҳалласида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” тамойилини жорий этиш ишлари бошланди.

Хусусан, Термиз туманида мазкур лойиҳа доирасида иккита — “Кўнғирот” ва “Қаҳрамон” маҳаллалари танлаб олинган. Жараённи “Қаҳрамон” маҳалласи мисолида олсак, йиғинчи замонавий қиёфадаги ҳудудга айлантириш мақсадида 5,4 километр йўл таъмирланади, 1 километр ичимлик сув қувири янгиланади, 2 та замонавий трансформатор пункти ўрнатилди. Шунингдек, электр таъминотини яхшилаш учун 50 та янги бетон устун алмаштирилади.

Энг муҳими, лойиҳа доирасида 15 та янги тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилиб, 54 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бу эса “Қаҳрамон” маҳалласида ишсизликни кескин камайтириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

— “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” гоёси фақат йўл ёки инфратузилма янгиланиши билан чекланиб қолмайди, — дейди “Қаҳрамон” маҳалласи раиси Ҳумоиддин Халилов. — Ушбу дастур доирасида маҳалламиз инфратузилмасини яхшилаш учун 5 миллиард сўм маблағ ажратилади. Энди ҳудудимизда тадбиркорлик ривожланади, таълим ва ижтимоий соҳа фаолият юритиши учун шароит яратилади, аҳоли учун қулай муҳит вужудга келади. Бу, аввало, одамлар онгидаги янгиланиш, фуқароларнинг ўз маҳалласи тақдирига масъулият билан ёндашиш маданиятини шакллантиришга ҳам қаратилган дастурдир.

“Қаҳрамон”да бошланган бу сайё-ҳаракатлар “Янги Ўзбекистон” гоёсининг амалдаги ифодаси бўлиб, ҳар бир маҳалла ўзининг салоҳияти, ташаббускорлиги ва бирдамлиги билан тараққиёт йўлига қадам қўймоқда. Бундай лойиҳалар аҳолининг ишончини ошириб, ҳаёт сифатини янада яхшилашга хизмат қилади. Зеро, обод маҳалла — фаровон ҳаёт, фаровон ҳаёт эса — Янги Ўзбекистоннинг хақиқий қиёфаси.

КЎМАК

## УЮШМА 100 МИНГТА ОИЛАГА “РАМАЗОН СОВФАСИ” УЛАШДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**О**зиқ-овқат маҳсулотлари марказлашган ҳолда ҳудудларга етказилиб, ҳудудий оморларга жойлаштирилади. Тўпламлар “Маҳалла еттилиги” ҳулосаси асосида эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга манзилли равишда топширилади.

Шунингдек, Рамазон ойида барча маҳаллаларда эҳтиёжманд оилалар хонадонларида маҳалла раислари ифторлик дастурхонларини ташкил этади. Унга жами 629 минг нафардан ортқ обрў-этиборга эга нуруонийлар, кўча (уй) бошилар, ижтимоий дафтар ва Ижтимоий реестрдаги фуқаролар жалб этилади.

Қолаверса, ҳар бир маҳаллада 5 тадан, жами 45 мингдан ортқ камбағал оилаларнинг уй-жойлари хашар йўли билан таъмирланади. Ҳар бир маҳаллада 10 тадан, жами 100 мингга яқин камбағал оилаларнинг томорқаларига сабзавот, полиз, картошка ва бошқа турдаги экинлар экилади. 20 минг нафар эҳтиёжманд оила аъзоларининг муқаддас қадимжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатлари ташкил этилади. Барча маҳаллаларда қайвони ва ҳожи онахонлар иштирокида сумалак сайллари ўтказилади.

Мазкур хайрия ва маънавий-маърифий тадбирларни Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллигида барча маҳаллаларда юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш чоралари қўрилади.



**МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ** ташкил этилади.



**ЕР КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧА:** айрим ер участкалари мерос таркибига киритилади.



**Хорижга ишга бориш учун тўлов қилиб, кетолмаган фуқароларга пуллари қайтарилади.**

**2026 ЙИЛ  
25 ФЕВРАЛЬ,  
ЧОРШАНБА**

**Mahalla №15**

**3**

## ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

**ТАҲЛИЛ**

### “ШУНЧАКИ ИШЛАБ ЮРИШ” ДЕГАН ИБОРА БЎЛМАЙДИ


**Давлат хизматчиси бўлиб ишлаш бугун кўпчиликнинг орзуси. Аини пайтда бу тизимга ишга кириш осон эмас. Ҳаттоки, таниш-билишлар ҳам ёрдам бера олмайди. Сабаби, мазкур тизимга ишга кириш, аввало, номзоднинг ўзига боғлиқ.**

**Хайрулло ФАЙЗ.**

Яна бир ҳолатда айримларга давлат хизматига кириш — гўё тайёр кафолатдек туюлади. Дарҳақиқат, кўпчиликда “бир марта қабул қилиндингми, бир умрга жойлашдинг”, деган хато тушунча шаклланиб қолган. Янги тартиб эса бу қарашни ўзгартиряпти.

Яъни, “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тузилмаси ҳамда давлат фуқаролик хизмати тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида бу масалага аниқ ечим берилди.

*Хўш, нималар ўзгаришти? Қандай янгиликлар жорий этиляпти? Аввало, энди, давлат идорасига илк бор ишга қабул қилинган ходим билан доимийга эмас, 1 йиллик меҳнат шартномаси тузилади. Шу бир йил ичида ишни қандай уддалаши, масъулияти, жамоага мослашувчанлиги эътиборга олинади. Муҳими, шу муддатда эришган натижаси кўринади. Агар ташкилот ишончи оқланса, доимий шартнома таклиф қилинади. Акс ҳолда, давлат тизимида “шунчаки ишлаб юриш” даври тугайди.*



Яна бир муҳим жиҳат — энди давлат хизматчиси доимий ишга ўтишидан олдин махсус давлат хизматига кириш курси ва малака оширишдан ўтиши шарт бўлади. Шу билан бирга, айрим тузилмалар ходимлари бошқа идорага раҳбар лавозимига ўтса, стажи ва кадрлар захираси масаласи аниқ қилиб қўйилмапти. Масалан, божхона, ички ишлар, прокуратура, миллий гвардия ходимлари ҳамда судьялар Администрация раҳбари фармойиши билан бошқа давлат идораларига ёки уларга қарашли ташкилотларга раҳбарлик лавозимига ўтганда, аввалги хизмат фаолияти инобатга олинади.

Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида давлат ишга жойлашиш масаласида “таниш-билиш”, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби иллатларга чек қўйилмоқда.

**ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ**

## Бароридан келган иш барқарор даромадга манбаадир

**Ҳоким ёрдамчисининг асосий вазифаси — ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга қўмаклашиш. Фаолиятимизга шу мезонлар асосида баҳо берилишини ҳисобга олиб, иш ташкил этганмиз.**

**Бобомурод АБУЛҚОСИМОВ,**  
Гулистон туманидаги  
“Ишонч” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Урганишга кўра, камбағалликнинг келиб чиқиш сабаби ҳар бир хонадонда турлича. Жумладан, фуқароларда аниқ касб-хўнара кўникмалари йўқ. Бунинг оқибатида доимий иш жойига эга эмас. Хўш, муаммони қандай ҳал этишга мумкин? Жуда оддий — кичик бизнес ва тадбиркорликни, томорқачиликни ривожлантириш, илғор халқаро тажрибаларни қўллаш. Масалан, биргина томорқа орқали одамлар ўз уйида, оиласи билан тадбиркорлик қиляпти. Тўғри-да, ишдан ажралмай, ҳовлисининг бир томонига экин-тикин қилса, бундан ҳам жамият, ҳам тадбиркорнинг ўзи фойда кўрапти. Ана шундай инсонлардан бири — Умиджон Юсупов. У 4 сотих майдонда замонавий иссиқхона барпо этиб, гидропоника усулида қулпнаи етиштиришни йўлга қўйди. Ушбу инновацион технология сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини бериб, юқори ҳосилдорликни таъминляпти. Натижада оила аъзолари барқарор даромад манбаига эга бўляпти.

**Худуд — чорвачилик, деҳқончилик ҳамда паррандачиликка ихтисослашган. 1 100 та хонадоннинг 50 фоизи шу тармоқларда банд. Айниқса, томорқачилик — катта даромад манбаига айланыпти. Жами 42 гектар томорқа ер майдони бўлса, шундан 22 гектариде иссиқхона қурилган. Ҳатто томорқада етиштирилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга эришяпти.**

Худудимизда балиқчилик ҳам тез ривожланыпти. Шу боис бу йўналишда янги ташаббуслар ҳаётга татбиқ этиляпти. Темур Самадов 5 сотих ер майдонда интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйди. Хусусан, у 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 5 та сунъий ҳавза барпо этди. Натижада нафақат ўзи, балки оила аъзолари ва 4 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди.

Қувонарлиси, мазкур йўналиш катта жисмоний меҳнат ёки кўп ишчи кучи талаб қилмайди. Темур Самадов бир мавсумда 20 минг донагача Африка лаққасини етиштириб, ички бозорга килосини 20–25 минг сўмдан етказиб берапти. Шу боис маҳалладаги ишсиз ва кам даромадли ёшларни балиқчиликка жалб қилиш мақсадида маҳорат дарслари ташкил қилинди ва уларга доимий маслаҳат бериб бориляпти. Ўтган йил бошида бундай хўжаликлар сони атиги 2 та эди, бугун 50 тадан ошиб кетди.

Маҳаллада яна бир ибратли ишга қўл урилди. Мухтор Мадаминов ўз хонадонда бедана боқиш орқали гўшт ва тухум етиштиришни тизимли равишда ташкил этди. Эътиборлиси, бу тажрибани нафақат фарзандлари, балки қўшниларига ҳам ўргатяпти. Натижада беданачилик йўналиши янги даромад манбаига айланыпти. Шунингдек, маҳаллада кооперация асосида бройлер товуқ боқиш ҳам кенг оммалашяпти. Ҳафиза ва Абдумурод Сайназаровлар хонадонда мазкур йўналишдаги фаолият самарали йўлга қўйилган.

Ҳозир маҳаллада шу каби кооперация усулида бройлер товуқ боқаётган оилалар сони 20 тадан ошиб кетди. Эътиборлиси, бройлерлар 40 кун ичида гўштга тайёр бўлади ва ҳар бири 4,5–5 килограммга етади. Ҳар бир килоси 19 минг сўмдан махсус корхонага топширилади. Натижада ҳар 40–45 кунда 19–25 миллион сўм аτροφиде даромад олинапти.



**ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!**

## СОВУҚ ГУЛЛАГАН ДАРАХТГА ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?

**Ҳадемай, баҳор фасли кириб келади. Бу фасл бошида дарахтлар гуллаганидан кейин тушадиган совуқ энг хавфли агрометеорологик омил ҳисобланади. Чунки бу пайтда гул, ғунча ва ёш мевалар жуда нозик бўлади.**



**Шодмон НАМОЗОВ,**  
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Даража паст бўлса ҳам, гуллаш даврида ҳосилнинг 50–90 фоизи-гача қисми йўқолиши мумкин.

Гулдаги ҳужайралар сувга бой бўлади. Совуқда ҳужайра ичида муз кристаллари ҳосил бўлади. Натижада гул қорайиб тўкилади. Чангланиш тўхтайдди. Мева тугилмайди.

**Бу жараёнда уларни тутатиш (дим тутун бериш), томчилаб суғориш орқали микроқават муз ҳосил қилиш, шамоллатчи елвизак, боғ аτροφиде шамол тўсиқлари ўрнатиш орқали ҳимоя қилиш мумкин.**

Хулоса қилиб айтсак, гуллашдан кейинги –1, –3 даража совуқ ҳам хавфли бўлиши мумкин. Айниқса, ўрик ва шафтоли тез зарар кўради. Баҳорги совуқлар — табиат синови. Богбон тайёрларлик билан кирса, йўқотишларни камайтиради.

**БИЛИБ ОЛИНГ!**

**“Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини жалб қилган ҳолда ваучер асосида касб ва хорижий тилларга ўқитиш тизимини жорий қилиш тўғрисида”ги ҳукумат қарорига кўра, ишсизлар, шу жумладан, Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларга касб ва хорижий тилларга ўқитиш харажатлари ваучер тизими асосида қоплаб берилади.**

## КАСБ ВАУЧЕРИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?



Бу имконият ва имтиёзга эга бўлиш учун талабгор Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларига тўғридан-тўғри ёки маҳаллардаги ҳоким ёрдамчилари, шунингдек, ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ваучер беришни сўраб мурожаат қилганда, биринчи навбатда, вазирликнинг туман (шаҳар) бўлимлари бир кун муддатда талабгорга унинг мутахассислигидан келиб чиқиб, мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари таклиф қилади. Мутахассислиги бўлмаганда ёки таклиф этилган иш ўрни маъқул келмаганда, унга касб ёки хорижий тилга ўқитиш бўйича ваучер тақдим этиши масаласи кўриб чиқилади.

Ваучер талабгорнинг доимий яшаш ҳудудидан қатъи назар, экстерриториаллик тамойили асосида берилади. Талабгор ваучердан у берилган санандан бошлаб 3 ой муддатда фойдаланиши (фаоллаштирилиши) лозим. Ушбу муддатда фойдаланилмаган (фаоллаштирилмаган) ваучерлар ўз кучини йўқотади.



**“УМРА ПЛЮС”**  
ДОИРАСИДА  
айрим туристлар  
учун субсидия  
жорий  
этилиши  
мумкин.



2025 йилда  
3,1 триллион сўм  
миқдорда АЛИМЕНТ  
МАБЛАҒЛАРИ  
УНДИРИЛДИ. Ҳозирда  
350 мингдан ортиқ  
алимент тўловчининг  
61 фоизи ишсиз.



15 йил иш стажига  
эга бўлган  
олий малака тоифадаги  
педагогларга  
ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ  
бошланғич бадалининг  
25 фоизи қоплаб  
берилади.

4

**Mahalla** №15

2026 ЙИЛ  
25 ФЕВРАЛЬ,  
ЧОРШАНБА

## “ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

НУҚТАИ НАЗАР

### САРИШТАЛИК ОДОБИНИ ҚИЗ УЙИДАН ЎРГАНАДИ

**“Сариштали уй — фариштали уй”, деган нақлни бувимдан жуда кўп эшитганман. У ҳар сафар шу гапларни такрорлаётганида, кўли қайсидир юмуш билан банд бўларди. Саҳардан то шомгача тиним билмайдиган бувим уйдаги ҳар нарсанинг ўз ўрнида бўлишини истарди.**

Шахноза РАҲИМХҲУЖАЕВА,  
“Mahalla” мухбири.

Бир қарасам, ойна артган, яна бир қарасам, идишларни қирчишлаб юварди. Улғайганим сайин улар менга ҳам тозалик борасида қатъий талаблар қўя бошлади. Аввалига буюрилаётган ишлар бироз малол келгандек туюлган бўлса, кейинчалик одат тусига айланди. Мен ҳам юрган йўлимда супур-сидир, йиғ-тер билан банд бўлиб қолдим.

Вояга етиб, турмушга чиққанимда, олган бу ўғитларим катта дастак бўлди. Ўқиш ва ишимдан ортиб, хонадон озодалигини сақлашга алоҳида эътибор берардим. Вақт ўтиб, нақадар тўғри ёндашув қилганимни англаётдим.

Аслида, ўзбек аёллари ўзининг саранжом-сариштали билан ҳурматга сазовор. Айниқса, қишлоқда истиқомат қиладиган опа-сингилларимиз доимий ҳаракатда бўлганидан кунининг қандай ўтиб кетганини билмай қолишади. Бундай меҳнатсевар ва фидойи инсонлар чиндан ҳурматга лойиқ.

Лекин гуруч қурмакисиз бўлмаганидек, орамизда пала-партиш яшашни одат тусига айлантирган, уй-жойининг покизалигини охириги даражага тушириб қўйганлар ҳам бор. Бир қарашда бу масала унчалик аҳамият касб этмайдигандек туюлиши мумкин. Лекин оиладаги эр-хотиннинг ўзаро ҳурмати, хонадон баракаси, фарзандлар тарбияси каби жиҳатлар бевосита тартиб-интизомга боғлиқ. Агар аёл келин бўлиб борган уйига меҳр қўйса, унинг фаровонлиги учун ҳаракатни айнан озодаликдан бошлайди.



**Баъзан фаолиятимиз доирасида хонадонларга ташриф буюришимизга тўғри келади. Остона ҳатлаб, кириб борадиган уйимизнинг ҳолатидан шу ерда истиқомат қиладиган кишиларнинг феъл-атвори ва қарашларини осон англаб оلسа бўлади. Озодалик, покизалик — масъулият ва жавобгарликни ҳис қилишни англаб, қаровсиз қолган уйдан эътиборсизлик, муносабатлардаги номутаносибликни кўриш мумкин.**

Хонадонларда ўрнатилган тартиб-интизом секин-аста маҳалла ва жамият ҳаёти билан уйғунлик касб этади. Бугун ховлисига бир туп райхон ўтказган аёл эртага кўчасига гуллар экади. Унинг ёндашуви кўшчиларни ҳам илҳомлантириши аниқ. Қўриб турганингиздек, биргина саришталик ортидан юрт обод масканга айланади. Шундай экан, ўғил-қизларимиз тарбиясида айнан покизаликка риоя қилиш фазилатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, меҳнат — тарбиянинг муҳим бўғини.

...Эр-хотин уч нафар фарзандининг моддий таъминотида пул етказмади, хорижга иш қидириб кетишади. У ёқларда анча қийналиб қолишади. Аёл амаллаб идиш ювиб, пул топа бошлайди. Лекин эркакнинг дангасалиги тутиб, қимирлагиси келмасди. Шу баҳона бўлиб, улар қаттиқ жанжаллашиб қолишади. Ҳатто, юртимизга қайтиб, ажрашиш учун судга ариза топширишади.



ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

### “Аёлларнинг бахтли турмуши — кунимнинг энг муҳим ташвиши”

Зулфия САЛАЕВА,  
Гурлан туманидаги “Маърифат” ва  
“Боғишамол” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Бу воқеадан хабар топганим ҳамон келин билан учрашдим. Бўлиб ўтган воқеаларни ипидан игнасигача суриштирдим. Кейин куёв билан алоҳида гаплашдим. Икки тарафнинг ҳам ришталарни узишга арзийдиган сабабни кўрмадим. Энг тўғри қарор — оилани муросага келтириш эди. Бу вазифани адо этиш учун, биринчи навбатда, “еттилик” вакилларининг ёрдамига таяндим. Қолаверса, худудимизда истиқомат қиладиган нуруний отахон ва онахонларнинг кўмаги билан барчасини ижобий ҳал этдик. Ҳозир улар болаларини бағрига олиб, бахтли ҳаёт кечиряпти. Молиявий қийинчиликларни енгиб ўтиши учун эса аёлни нон пишириш цехига ишга жойлаштирдик. Эркак бозорда меҳнат қилиб, кунлик даромад топяпти. Фаолиятимиз давомида бу каби тақдир ағаларини кўплаб учратамиз. Айримлар иқтисодий етишмовчилик сабаб, бошқалари феъл-атворидаги номутаносибликлар боис ўзаро келиша олмай қолишади. Аслида, тўла-тўқис турмушнинг ўзи йўқ. Инсон ўша камликни бутлаш учун ҳаракат қилгандагина ўзлигини англай бошлайди. Бу йўлда бошқаларни қадрлашни, ўз манфаатларидан воз кечишни, шукроналикни ўрганади.

Иил бошидан буён иккита оилани муросага келтиришга эришдик. Аввалига қарориди қатъий туриб олган хонадон вакиллари аразлари тарқагач, бизга чексиз миннатдорлигини билдирди. Халқимиз бежизга “Эр-хотиннинг уруши, доқа-рўмоннинг қуриши”, дейишмаган. Баъзан кичик сабаб ҳам тотув яшаб кетишга туртки бўлиши мумкин.

Оила ва хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ турли масалаларни ҳал қилишда “еттилик” ходимлари менга доимий елкадош. Масалан, ижтимоий ходим билан боқувчисини йўқотган ва ноғиронлиги бўлган аёлларни қўллаб-қувватляпмиз. Уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, керакли ёрдамлар кўрсатиляпти. Профилактика инспектори эса хотин-қизлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишда ўзига хос ташаббуслари билан фаоллик кўрсатяпти.

**Идорадаги ҳар кунимиз ҳар турли ўй-хаёл ва режалар билан бошланади. Лекин мақсадимиз битта — халқимизнинг тинч ва тотув турмуш кечирилишини таъминлаш.**

ФИДОЙИЛИК  
НАМУНАСИ

### Ободлик ва ташаббусда ҳамиша манъбал

**Шўрчи туманидаги “Хайробод” маҳалласида худудни обод ва кўркам масканга айлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш борасида ишчил ишлар амалга оширилмоқда.**



Нигина ШОЕВА,  
журналист.

Маҳалла раиси Машъал Поянованинг ташаббускорлиги ва талабчанлиги сабаб, йўлга қўйилаётган хайрли амаллар аҳоли фаоллигини ҳам оширмоқда. Раиснинг сазой-ҳаракати билан маҳалла идораси атрофи қисқа муддатда обод худудга айлантирилди. Экилаётган ҳар бир кўчатнинг парвариши қатъий назоратга олинган. У “ашил макон — соғлом муҳит” тамойили асосида экологик маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратайтир.

— Асосий мақсадимиз — худудимизни обод ва яшил гўшага айлантириш, — дейди маҳалла раиси Машъал Поянова. — Чунки ислохотлар, аввало, маҳалладан бошланади. Агар у обод бўлса, одамлар кайфияти ҳам, турмуш сифати ҳам яхшиланади. Яшил макон яратиш, бу — фақат бир кунлик иш эмас, доимий эътибор талаб қиладиган юмушдир. Фаолиятимиз давомида фақатгина топшириқ бериш билан чекланиб қолмасдан, ўзимиз ҳам ташаббус кўрсатиб, ҳашарларда фаол иштирок этиб, аҳоли билан доимий мулоқотдамиз.

Аёл ўзининг саранжом-саришталиги билан хонадонга файз киритганидек, Машъал Поянова меҳнатсеварлиги билан “Хайробод”ни обод қилиш учун ҳаракат қиляпти. Унинг зукколиги, سخовати эса аҳоли вакилларининг муаммоларига муносиб ечим топишда асқатяпти. Маҳалласини ўз оиласи, деб биладиган бундай фидойи раҳбар аёллар жамиятнинг ишонган кучидир.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

### Миллий руҳ, анъана ва урф-одатларга уйғун

**Доно Муҳаммедова тиниб-тинчимас, ўз устида ишлашдан, изланишдан чарчамайдиган, иқтидорли хунармандлардан бири.**

Мухтарам КОМИЛОВА,  
журналист.

Шойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қилувчи бу аёл ўзбек халқининг кундалик турмуш тарзини акс эттирувчи композициялар, миллий ва замонавий кўғирчоқлар ясаш билан шуғулланиб келади.

Хунармандчилигимизнинг ҳар бир тури миллийлигимиз, халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ. Доно опа ҳам кўғирчоқчиликда миллий анъана ва урф-одатларимизга, ўзбекона удумларимизга алоҳида урғу беришга ҳаракат қиладди.



— Ҳар бир кўғирчоғимнинг дизайнида оналаримиз, момоларимиз кийган либослардан келиб чиқиб ёндашишга эътибор қаратаман, — дейди Доно Муҳаммедова. — Бундан ташқари, кўни-кўшничлик, ўзаро меҳр-оқибат, тансиқ таом пиширилганда, бошқаларга улашиш каби удумларимизни кўрсатишга қаратилган композициялар тайёрлаганман.

Доно опа нафақат миллий, балки замонавий услубдаги хос ўйинчоқларни ҳам маромига етказиб ясади ва безак беради. Ушбу йўналишдаги ишларини кузатар эканмиз, либосларини бош кийимлари, безакларию тақинчоқлари бири-бирига уйғун, яхлит гўзаллик сифатида кўзни қувватлади.

Хунарманднинг улкан мақсад ва режалари бисёр. У уй музейини ташкил қилиб, ёшларга, хорижий сайёҳларга миллий ўзига хослигимизни кўғирчоқлари орқали етказишни ният қилган.



Саҳифани  
“Mahalla” мухбири  
Шахноза РАҲИМХҲУЖАЕВА  
тайёрлади.



Чет тилларини оммалаштиришга кўмаклашувчи “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ривожлантирилади, “ИБРАТ — ТИЛЛАР ОРОМГОҲИ” лойиҳаси амалга оширилади.



2026 йилда КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ жараёнларида хусусий сектор улуши 40 фоизга оширилади.



Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ЁШЛАРГА ИМТИҲОН ТОПШИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ тўлиқ қоплаб берилади.

2026 йил  
25 ФЕВРАЛЬ,  
ЧОРШАНБА

Mahalla №15

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ТАРТИБ

### “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ” ДЕГАН НОМ ФАҚАТГИНА ЭЪТИРОФ ЭМАС, КАТТА ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР

Юртимизда иқтидорли ёшларга эътибор йил сайин ортиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Чунки Янги Ўзбекистонни барпо этадиган асосий куч — билимли, ташаббускор ва ватанпарвар ёшлардир.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Иигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 12 февралдаги тегишли қарори билан “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” кўрак нишони тўғрисидаги низом тасдиқланиб, ушбу мукофотни бериш тартиби аниқ белгилаб қўйилди.



Низомга кўра, мазкур кўрак нишони мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, ўз билими ва салоҳияти билан намуна бўлаётган ёшларга берилади. Номзодлар Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамжамияти доирасида шакллантирилади.

Бу рўйхатга “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари, мактаблар ҳамда Президент мактаблари ва “Янги Ўзбекистон” университети битирувчилари, “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббуси иштирокчилари, шунингдек дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларида тахсил олган ёки тажриба орттирган ватандошлар киритилади. Яъни, бу мукофот тасодифий эмас, балки аниқ мезонлар асосида муносибларга берилади.

Жараён ҳам босқичма-босқич ва шэфоф тарзда амалга оширилади. Ишчи гуруҳ ҳар йили 25 мартга қадар тақдим этилган ҳужжатларни куриб чиқиб, энг муносиб номзодлар бўйича ҳуло-са тайёрлайди. Кейин ушбу ҳужжатлар Республика комиссиясига юборилади. Комиссия 20 майга қадар якуний қарор қабул қилади. Кўрак нишони ҳар йили Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамжамияти қурултойида тантанали равишда топширилади.

Бу мукофотнинг аҳамияти шундаки, у ёшларга фақатгина эътироф эмас, балки катта ишонч ва масъулият ҳам беради. “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” деган номнинг ўзидек инсонни янада изланишга, юрти учун фидойи бўлиб хизмат қилишга ундайди. Энг муҳими, бу қарор орқали давлат ёшларнинг меҳнати ва ютуқларини кадрлаётгани яна бир бор намоён бўлмоқда.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ



Жиззах вилояти ҳокими Улуғбек Мустафоев Амирбек Раҳмонқуловни ташаккурнома билан тақдирлади.

## Изланиш, ўрганиш ва журъат — ухлаб ётган истеъдодни уйғотувчи куч

Ёшлар билан ишлаш жараёнида кўпинча турли ўй-хаёллар оғушида қоламан. Баъзан ўзимга савол бераман: наҳотки бирор жойда хато қилаётган бўлсам? Ахир маҳаллаимиз ёшлари — менинг энг катта масъулиятим.

Амирбек РАҲМОНҚУЛОВ, Жиззах шаҳридаги “Қассоблик” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Уларнинг бугуни ва эртаси ҳақида ўйлаш, нима билан бандлиги, вақтини қандай ўтказаяётгани мени доимо ўйлантиради. Чунки яхши биламиз: жиноятчиликнинг асл илдизи кўпинча ишсизлик ҳамда бекорчиликдан бошланади. “Вақтинг кетди” — бахтинг кетди”, деган нақл бежиз айтилмаган. Шунинг учун ёшларнинг бугуноқ ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни фойдали машғулларга жалб этиш йўллари излаш керак.

Яқинда ўтказилган хат-

лов натижаларига кўра, маҳалламизда 8 нафар ишсиз ёш рўйхатга олинди. Қувончлиси шундаки, уларнинг 5 нафари шу заҳоти расмий иш билан таъминланди. Бу — ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг кичик бўлса-да, самарали натижаси. Улардан бири — 23 ёшли маҳалладошимиз Диёрбек Маматқулов олий маълумотли. Дастлаб унга ўқитувчилик касби таклиф этилди. Бироқ у бу йўлни танламади. Ўзининг қизиқиши бошқа соҳада эканини, новвойлик қилишни истаганини айтди. Аввалига ажабландим. Аммо кейин уйлаб қарасам, инсон ўз йўлини топгунча турли изланиш ва синовлардан ўтиши табиий экан. Диёрбек ақин дўсти билан шерикчиликда нон цехини ташкил этди. Бугун у ўз меҳнати билан ҳалол ризқ

топмоқда. Энг муҳими, у ўз қизиқишини касбга айлантира олди.

Ёшларни қузатар эканман, бир ҳақиқатни англайман: ҳар бир йигит-қизнинг қалбига ўзига хос қобилият ва иштиёқ бор. Фақат уни юзага чиқариш учун изланиш, ўрганиш ва энг асосийси, журъат керак. Афсуски, баъзи ҳолларда ёшларда айнан шу журъат етишмайди. Уларга қанча имконият кўрсатилмасин, баъзилари дадил қадам ташлашдан чўчиди. Ишлаб чиқариш корхоналари, янги технопарклар, хатто замонавий электромобиллар ишлаб чиқараётган BYD компаниясида ишлаш имкониятларини таклиф қилганимизда ҳам, айримлари “эплай олмайман” дея ортга чекинади. Ҳолбуки, бугун замон — билим ва технология даври. Бир ҳунар ўрганиш ортида катта муваффақиятлар эшиги турибди.

Шундай вазиятларда уйлаб қоламан: **фақат ёшларнинг ўзини айблаш тўғрими?** Йўқ, албатта. Бу масалада ота-оналарнинг ҳам

ўрни бекиёс. Фарзандига ёшлигидан ишонч берган, “сен буни эплай оласан”, дея руҳлантирган ота-она, аслида, унинг келажагига муштахам пойдевор қўйган бўлади. Аксинча, бефарқлик ёки ортиқча танбех ёш

қалбда ишончсизлик уруғини сепади. Шу боис бугун нафақат ёшлар, балки ота-оналар билан ҳам суҳбатлар олиб бораёган. Уларни фарзандига кўпроқ эътиборли бўлишга, рағбат ва далда беришга чорлаёган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилобар ТОШПЎЛТОВА, Наманган вилояти: — Дугонам огоҳлантиришимга қарамай, 15 ёшли қизини Қозоғистондаги қариндошиникига юборди ва ўзи Ўзбекистонда қолди. Бироқ қизи у ерда доимий назоратсиз қолиб, бир неча кун мустақил яшагани ва вояга етмагани сабабли муаммоли вазиятга тушиб қолгани маълум бўлди. Ҳозир ушбу ҳолат юзасидан тегишли ташкилотлар текширув ўтказмоқда. Шу вазиятда дугонам учун қандай чоралар қўлланилиши мумкин?

## БОЛА ЧЕТ ЭЛДА НАЗОРАТСИЗ ҚОЛСА, НИМА БЎЛАДИ?

Зарифа ҚУРБОНОВА, Наманган вилояти маъмурий суди раиси:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 476-моддасига кўра, дугонангиз шунинг билан керакки, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани чет давлатда назоратсиз қолдириш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бундай ҳолатда унга БҲМнинг ўн бараваридан эллик бараваригача жарима солиниши мумкин.



Шунингдек, иш судда қўриб чиқилганда, суд аёлга болани чет давлат ҳудудидан Ўзбекистонга қайтариш ёки ҳуқуқбузарликни бартараф этиш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди ва бунинг учун кўпи билан ўттиз кунлик муддат белгилайди. Зарурат бўлса, унинг илтимосномасига кўра, ушбу муддат яна ўттиз кунга узайтирилиши мумкин.

Демак, жавобгарлик нафақат жарима қўллаш билан чекланади, балки болани хавфсиз муҳитга қайтариш ёки унинг устидан тегишли назоратни таъминлаш мажбуриятини ҳам ўз ичига олади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПЯПТИМИ?

## “Аввалига шогирд бўлиб иш бошлагандим...”

Орзу орзулигича қолмайди, ният тўғри бўлса бас. Менинг ҳаёт йўлим ҳам шу гапнинг исботидек.

Зилола СУВОНОВА, Ғузур тумани “Мустақиллик” маҳалласидан. Шлигимдан аёллар гўзаллик салоҳияти шогирд бўлиб ишладим. Устозларимнинг ишларини кузатишдан бошланган меҳнат йўли аста-секин ҳақиқий касбга айланди. Аёллар сартарошлиги соҳасида ишлаб, тажриба орттирдим. Аммо

шу вақтгача ишчи сифатида меҳнат қилардим. Кўнглимда эса доимо ўз саломимни очиш, янги иш ўринларини яратиш орзуси яшарди. Ниҳоят, ҳаракат ва интилишларим самара берди. Ёшлар етакчиси кўмаги билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Шу имконият орқали ўз гўзаллик салоҳиятига асос солдим. Косметология соҳасига қизиқишим баланд бўлгани учун замонавий косметологик мосламалар олиб келдим ва хизмат турларини кенгайттирдим.



Бугунги кунда салоҳиятида аёллар сартарошлиги, педикюр, маникюр, юз тозалаш каби хизматлар кўрсатилапти. Шунингдек, келинлар учун ижарага тўй либослари берамиз. Ҳар бир мижознинг розилиги ва ишончини қозониш — мен учун энг катта вазифадир. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтираман.

Бир пайтлар ўзим ҳам имконият излаган шогирд эдим. Бугун бошқаларга имконият яратишни ният қилган тadbirkорман. Ишонманки, тўғри ният ва меҳнат билан ҳар қандай орзу рўёбга чиқади.



2026 йилда 263 МИНГА КАМБАГАЛ ОИЛА уларнинг даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олинади.



Ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича “ТЕНГ ИМКОН — ИНКЛЮЗИВ БАНДЛИК” лойиҳаси амалга оширилади.



Ижтимоий реестрдаги 1 гуруҳ ногиронлиги бўлиб, МЕХНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АЪЗОСИ БЎЛМАГАН оилаларнинг хонадонни энергия тежамкор қилиб таъмирланади.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ИЖТИМОЙЛАШУВ ТАЪМИНЛАНГ АНИ ТУФАЙЛИ МЕХР ВА ЭЪТИБОРДАН БАҲРАМАНДЛАР СОНИ ОРТЯПТИ

Инсон ҳимматининг чегараси йўқ. Унинг меҳру муҳаббати қанчадан-қанча шикастланган қалбларга малҳам бўлади. Биргина ширин каломи билан кўнгиллар оқиб.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕХР ҚОЛАДИ...

Матонат билан мушкуллар осон



Кармана туманидаги “Нарпай” маҳалласида истиқомат қилувчи Хуррият Пўлатованинг оиласи доимий эътибор марказида. Соғлигидаги муаммолар, турмуш ўртоғининг ногиронлиги сабабли оилада молиявий қийинчиликлар юзага келган.

Тимур БАЙБИКОВ, журналист.

ардни ичга ютиб яшаш мумкин, аммо Хуррият опа бошқа йўлни танлади — маҳалладаги ижтимоий ходимга мурожаат қилди. Шундан сўнг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи мутахассислар хонадонга бориб, оиланинг ҳолатини ўрганди ва амалий ёрдамлар босқичма-босқич йўлга қўйилди.

Биринчи навбатда, Хуррият опага ногиронлик белгиланди. Оила вакиллари Рамазон оий муносабати билан бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Ҳомийлар қўмағида хонадонни таъмирлаш ишлари бошланди. Аёлнинг бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Қўшимча равишда тайинланган моддий нафақа молиявий қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам берапти.

Энг муҳими — оилада ишонч пайдо бўлди. Қийинчиликларни енгиб ўтиш осон эмас, лекин тизимли ёндашув уларни бартараф этишга замин яратади. Бугун Хуррият опа ўз келажagini режалаштираётган, фарзандлари учун мустаҳкам пойдевор қўйишга бел боғлаган она.



ЯНГИ ҲАЁТ ВА САЛОМАТЛИК УЧУН МУСТАҲКАМ ҚАДАМ

Зарнигор НАФИДИНОВА, журналист.

Урганишлар натижасида Шахло опа “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилди ҳамда давлат кўрсатадиган ёрдам турларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Хусусан, қизининг шартнома пули тўлаб берилди, фарзанди мактабдаги фан тўғрақларига бепул жалб этилди. Бу эса оиланинг моддий юкини енгиллаштириш, фарзандининг билим олиши ва иқтидорини ривожлантиришига кенг йўл очди.

Бундан ташқари, оғир аҳволдаги Шахло опага жарроҳлик амалиёти учун ваучерлар топширилди. Шундан сўнг у Ромитан тумани марказий шифохонасига олиб борилиб, чуқурлаштирилган тиббий текширувлардан ўтказилди. Мазкур амалий ёрдам аёл саломатлигини тиклаш, унинг ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Шу каби эзгу ишлар жойларда “инсон қадрини учун” тамойили асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг амалий ифодасидир.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Ромитан туманидаги Боғча қишлоғида яшовчи Шахло Субҳонова бир йилдан буён оғир хасталик сабаб ётоққа михланиб қолган эди. Унинг оилавий аҳволини ижтимоий ходим атрофлича ўрганиб, зарур чоралар кўришга киришди.



Айниқса, маҳалла даражасида ижтимоий ҳимоя тизимининг йўлга қўйилиши бу борадаги натижадорликни янада оширди. Шу орқали йиллар давомида эътибордан четда қолиб келаётган кишиларнинг мушкул енгиллашиб, ижтимоийлашуви таъминланяпти.

Маҳалла тизимида иш бошлаганимга ҳали кўп бўлмади. Лекин ўтган давр мен учун катта тажриба ва маҳорат эгаллашимга замин яратди. Айни вақтда худудимизда истиқомат қилаётган 1 832 та оила вакиллари билан манзилли тарзда ишлаб келяпмиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 февралдаги қарори ижроси доирасида Рамазон оий муносабати билан “Давлат таъминоти”даги 47 та хонадонга 1 миллион сўмдан, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 56 та уй эгаларига 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Шунингдек, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда яқка ёлғиз, боқувчисини йўқотган ҳамда ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд фуқаро-

лар рўйхати шакллантирилди ва уларга қўшимча қўмақлар кўрсатилди. “Саховат ва қўмақ” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 8 нафар фуқарога кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ваучерлар берилди. Шунингдек, 1 нафар имконияти чекланган кишига даволаниши учун пул маблағи ажратилди.

Болаликдан ногиронлиги бўлган 2 на-

фар бола кундузги парвариш хизматида жалб қилиниши натижасида, уларга қараб келаётган оналари иш билан таъминланди. Шунингдек, соғлиғи билан боғлиқ муаммолар сабабли 15 ёшгача таълимга жалб қилинмаган ўсмирнинг яқинлари билан суҳбатлашиш ва тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида у махсус таълим мактабига йўналтирилди. Худудимизда зўра-

вонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда. Жумладан, яқинда руҳий ва жисмоний таъйинларига дуч келган Н.Э.га ижтимоий хизматлар кўрсатилиб, “мономарказ”га йўналтирилди ва тез орада тикувчиликни ўрганди. Шу билан бирга, Марғилон иқтисодиёт техникумининг дуал таълим йўналишига ўқишга киритилди.

Бугун маҳаллада олиб борилаётган ҳар бир ижтимоий хизмат ҳақиқий инсонпарварлик намунаси демак. Шу сабаб халқнинг турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартириш, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун замин яратилапти.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Зўравонлик гўдак ҳаётига зарра дахл қилмаслиги шарт

Болаларга нисбатан зўравонлик, бу — нафақат жисмоний жараҳат етказиш, балки боланинг соғлиғи, ривожланиши ва кадр-қимматига зарар берадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдир.



жинсий жиноят содир этганларга нисбатан жазо-лар кескин кучайтирилади — ўртбод озоликдан маҳрум этилишга. Вояга етмаганларга оид жинсий ва зўравонликка оид жиноятларини тергов қилиш ваколати прокуратурага ўтказилади.

Махсус тайёргарликдан ўтган терговчи ва судьялар бундай ишларни кўриб чиқиши амалиёти йўлга қўйилади. Болаларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсларнинг келгусида болалар билан ишлашига чекловлар белгиланади. Нодавлат таълим ташкилотларини мажбурий камера билан таъминлаш ва видеоёзув қўйдирилган кампада 6 ойгача сақлаш талаби жорий этилади.

Бундан ташқари, болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш бўйича жавобгарлик кучайтирилади. Зўравонликдан жабрланган болаларга давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам берилади. Судгача ва суд жараёнларида вазийлик ва ҳомийлик органи вакилининг мажбурий иштироки таъминланади.



Тажриба тариқасида “Барнаҳус” модели жорий этилади — барча процессуал ҳаракатлар ва психологик жараёнлар бола учун хавфсиз, ягона муҳитда амалга оширилади. Терговчи, судья, прокурор, адвокат ва ижтимоий ходимлар болалар билан ишлашнинг махсус дастурлари асосида тайёргарликдан ўтади.

Саҳифани “Maḥalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.



Мурғаккина гўдакни уриш ёки дўппослаш унинг танасини эмас, балки руҳиятини қаттиқ шикастлайди. Бора-бора унда қўрқув, тажовузкорлик ва одамларга ишонмаслик каби муаммолар юзага келади. Қолаверса, доимий босим остида улгайган болалар тенгдошлари билан тил топиша олмайдди. Келажакда ўз оиласида ҳам зўравонлик моделларини такрорлайди.


Агар бу ҳолат бир эмас, юзлаб, минглаб болалар тақдирига дахл соладиган бўлса, жамият қанчалар талофат кўриши мумкин-

лигини тасаввур қил-япсизми?

Шу каби салбий жиҳатларни бартараф этиш учун юртимизда муҳим қадамлар ташланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишга қаратилган Давлат дастури тўғрисида”ги фармонида болалар ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча кўринишларига барҳам бериш бўйича муҳим қадамларни белгилаб берди.

Унга кўра, 14 ёшга тўл-маган шахсларга нисбатан

Ушбу ўзгаришлар болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларни зўравонликдан асраш ва хавфсиз муҳит яратиш йўлида муқаррар қадам ҳисобланади.



1 мартдан тасдиқланган **НОРАСМИЙ БАНДЛИК ҲОЛАТЛАРИ** тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини пасайтиради.



1 мартдан оғир тоифадаги туманларда оилавий тадбиркорлик кредитлари **ЙИЛЛИК 12 ФОИЗ СТАВКАДА** ажратилади.



Аҳолини **ДОИМИЙ ИШ** ўринларига жойлаштириш бўйича **“yangiish.mehnat.uz”** электрон платформасида юритилади.

2026 йил  
25 ФЕВРАЛЬ,  
ЧОРШАНБА

**Mahalla** №15

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАРТИБ

### Уй-жой ва машина нақд пулга сотилмайди

**Президентимизнинг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан янги тартиблар белгиланди.**

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Армонга кўра, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб, кўчмас мулк объектлари, ишлаб чиқарилганга ўн йилдан ошмаган (М, Н, О, Г тоифага кирувчи ва махсус) транспорт воситаларини сотиш ва сотиб олиш учун тўловлар фақатгина банк карталари ёки электрон

тўлов тизимлари орқали амалга оширилади. Бу бўйича нотариуслар ва банклар ўртасида электрон маълумотлар алмашиш тартибини белгилайдиган янги Низом ишлаб чиқилди.

Янги тартибга кўра, шартнома тарафлари келишувга эришгач, харидор ёки унинг вакили банкка мурожаат қилиб, алоҳида эскроу ҳисобварағини очади. Эътиборли жиҳати, ҳар бир шартнома учун биттадан алоҳида эскроу ҳисобварағи очилади. Бу маблағларнинг аралашиб кетишининг олдини олади ва ҳар бир битимни мустақил назорат қилиш имконини беради.

Шартномани нотариал тасдиқлашдан олдин нотариус автоматлаштирилган ахборот тизими орқали банкка электрон сўров юборади. Ушбу сўров орқали эскроу ҳисобварағида шартномада кўрсатилган сумма тўлиқ мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқ вақт тартибда тек-

ширилади. Агар маблағ етарли бўлмаса ёки ҳисобварақ ёпилган бўлса, нотариус шартномани тасдиқлашни рад этади. Шу тариқа “пул кейин ўтказилади”, деган ноаниқ ҳолатларга чек қўйилади.

Бу, аввало, сотувчи учун кафолат яратаяди — у пулнинг ҳақиқатда мавжудлигига ишонч ҳосил қилади. Харидор эса маблағ фақат шартнома қонуний кучга киргандан сўнг ўтказилишини билади. Давлат нуқтаи назаридан эса барча ҳисоб-китоблар расмий ва назорат қилинадиган шаклга ўтади.

Албатта, янги тизим дастлаб айрим фуқаролар учун қўшимча тушунтиришларни талаб қилади. Аммо унинг мазмунига эътибор қаратсак, бу ортиқча талаб эмас, балки ҳавфсизлик ва адолат кафолатидир. Кўчмас мулк ва автотранспорт бозорларидаги ҳар бир битим энди шаффоф, ҳужжатлаштирилган ва кафолатланган тарзда амалга оширилади.



Умумий олганда, фармоннинг бош мақсади — нақд пул айланмасини қисқартириш, ҳисоб-китобларни шаффофлаштириш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини камайтиришдан иборат.



СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ!”

### Хавотир ўрнини мустаҳкам ишонч ва мулоқот эгаллаган

Касбимда одамлар билан ишлаш ҳар доим ҳам осон бўлмаган. Чунки кўп йиллар давомида солиқ инспектори билан одамлар фақат расмий идорада, ҳужжатлар ва навбатлар орасида мулоқот қилишга ўрганиб қолган эди...



Биргина “Тўқбой” маҳалласида мол-мулк солиғи тўловчи 2 401 нафар, ер солиғи тўловчи 2 608 нафар жисмоний шахс бор. 89 нафар яқка тартибдаги тадбиркор ва 37 та юридик шахс фаолият юритади. Бундан ташқари, 239 та деҳқон хўжалиги ҳамда 2 417 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқаро меҳнат қилмоқда.

Сиёвуш ДОНИЁРОВ, Қамаш туманидаги “Бердоли”, “Тўқбой” ва “Одоққонбўз” маҳаллалари солиқ инспектори.

Маҳаллага бириктирилган илк кунларимда ҳам фуқаролар орасида ишончсизлик, “яна текширув бўладими?” деган хавотирни сезардим. Аммо вақт ўтиши билан вазият бутунлай ўзгарди. Учта маҳаллага бириктирилганидан буён ўтган йил якуни бўйича белгиланган режани 93,6 миллион сўм ортиғи билан, яъни 161 фоизга бажардик.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

### Харидор кредитни ўз вақтида тўламаса...

Машраб БАҲРОМОВ. Андижон вилояти:

— Мен автомашинамни ўзаро келишув асосида сотганман. Харидор автокредит тўловларини ўз зиммасига олишини ваъда қилган, аммо 3 ойдан бери кредитни тўламайпти. У билан алоқага чиқиб ҳам бўлмаяпти, телефони ўчиқ. Бундай ҳолатда мен қандай чора кўришим мумкин?



Мухриддин ШАМСИДИНОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар автомашина сизнинг номингизда бўлса ва кредит шартномасини банк билан шахсан сиз тузган бўлсангиз, демак, банк олдидаги барча мажбуриятлар сизда сақланиб қолади. Харидорнинг оғзаки ваъдаси, ишончнома ёки оддий тилхат кредит мажбуриятини унга ўтказмайди. Шу сабабли кредит тўланмаган тақдирда банк қарзни қонуний равишда сиздан талаб қилади, кечиктирилган кунлар учун пеня ҳисобланади.

Бундай вазиятда, аввало, банкка мурожаат қилиб, қарздорлик микдорини, ҳисобланган пеня ва жарималарни аниқлаштириш керак. Қарз ортиб кетмаслиги учун имконият даражасида тўловни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, харидорнинг охириги маълум манзилига расмий ёзма талабнома юбориб, кредит тўловларини бажариш ёки автомашинани қайтаришини талаб қилиш лозим. Бу ҳужжат кейинчалик судда далил сифатида хизмат қилади.

Бир воқеа ёдимда. Маҳалладаги кичик новвойхона эгаси молиявий қийинчиликка дуч келиб, фаолиятини тўхтатиш арафасида эди. Солиқ қарзи йиғилиб қолган, ҳисобот топширишда қийналган, банк билан ҳам муаммоси бор эди. У киши аввал солиқ идорасига бориб, навбат кутишдан чўчиди, жарималар кўпайиб кетишидан хавотирланди. Биз — “Маҳалла еттилиги” вакиллари унинг олдида бордик, вазиятини ўргандик. Ҳисоботларини жойида кўриб чиқиб, электрон тарзда топширишга кўмаклашдик, қарздорликни бўлиб-бўлиб тўлаш тартибини тушунтирдик. Энг муҳими, унга босим эмас, йўл-йўриқ кераклигини ҳис қилдик. Натижада новвойхона фаолияти тикланди, ишчилари ишини давом эттирди, бюджетга тушум ҳам қайта йўлга қўйилди. Бугун ўша тадбиркор бошқаларга ҳам қонуний ишларнинг афзаллигини тушунтириб берапти.



Шунга ўхшаш ҳолатлар кўп бўлади. Жумладан, ҳудудда 17 нафар ноқонуний фаолият юритаётган тадбиркор расмий рўйхатдан ўтказилди. 10 та молиявий қийинчиликка дуч келган субъект фаолияти тикланди. Тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида ўтган йили 1 029 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, рўйхатдан ўтди.

Авваллари фуқаролар солиқ тўлаш учун инспекцияга бориб, узоқ навбатларда турарди. Энди биз — солиқчилар маҳалланинг ўзида, “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда тўловларни ташкил этяпмиз. Бу одамларнинг вақтини тежаяпти, ортиқча овозгарчиликни камайтиряпти.

Мен учун энг катта ютуқ — режани тўлиқ бажариш эмас, балки одамларнинг “солиқчи келди” деган хавотири ўрнини, ишонч эгаллагани бўлди. Шу тариқа солиқ хизмати фақат йиғим эмас, балки тараққиётга хизмат қиладиган тизим эканини биргалликда исботлаб келмоқдамиз.



Саҳибани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

### МЕҲНАТ БИЛАН БИЛИМ УЙҒУНЛАШГАНДА МУВАФФАҚИЯТ БАРДАВОМ БЎЛАДИ

Балиқчилик соҳасига киришганимга бир ярим йилдан ошди. Бу соҳага берилаётган имтиёзлар, кўлларда одамлар ташкил қилаётган лойиҳаларни кўриб, ҳавасим келгач, ўзим ҳам балиқчиликни ривожлантиришга қарор қилдим.



Алишер АМИНОВ, Тахياتош тумани “Найманкўл” маҳалласидан.

Бошланишида ҳаммаси янги эди, лекин ҳар бир ишни эҳтиёткорлик билан қилардим. Балиқларни тўғри озиклантиришда энг муҳими, бу — кунига тўрт марта ем бериш. Ана шу ҳолатда эрта баҳордан кузгача улар яхши семиради. Сув сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратдик: кислород етарли, сув тоза бўлиши шарт. Ҳаво ҳарорати 17 градусгача бўлганида балиқлар ем ейди, ундан пастда эса тўхтаб қолади. Бизнинг энг катта ютуғимиз шуки, сув доимий оқиб турадиган каналга уланган, шунинг учун ҳарорат барқарор бўлади.

Лекин янги соҳада, бошқа тадбиркорлар каби менда ҳам катта муаммо пайдо бўлди: солиқ масалалари. Ҳужжатларни расмийлаштиришда хатоларга йўл қўйдим. Ўзим ҳал қиламан, деб ўйладим, лекин “чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин”, деганлари бекор эмас экан. Рақамларни хато киритдим, шаклларни нотўғри танладим, баъзи ҳужжатларни унутиб қўйдим — ишларим қўзилиб кетди.

Нихоят солиқ инспекторига мурожаат қилдим. У, биринчи навбатда, барча ҳужжатларни синчиклаб текширди, ҳар бир хатоликни алоҳида кўрсатди ва қандай тўзатиш кераклигини босқичма-босқич тушунтирди. Расмийлаштиришни амалий кўрсатма билан ўргатди, давлат имтиёзлари ва солиқларни камайтириш тартибини ҳам тушунтирди. Шу ёрдам билан биз ҳужжатларни тўғри расмийлаштириб, барча солиқлар ва имтиёزلарни хавотирсиз ҳал қила олдик.

Бу тажриба менга шуни ўргатдики, янги соҳада муваффақият фақат меҳнат билан эмас, мутахассис маслаҳати ва билим билан уйғунлашганда бардавом бўлади. Энди уйлайманки, ана шу лойиҳамиз йиллар давомида кенгайиб, нафақат ўзим, балки бошқа тадбиркорлар учун ҳам фойдали бўлади.



**Президент фармони билан БМТнинг ВАҚТИНЧАЛИК ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби белгиланди.**



**“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВИРТУАЛ АКАДЕМИЯСИ” электрон платформа-сида 30 минг нафар давлат хизматчиси ўқитилади.**



**КИБЕРЖИНОЯТЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ ЧОРАЛАРИ телерадиоканаллар орқали “prime-time” вақтларида жамоатчиликка бепул етказилади.**

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

**ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА**

**МЕНДА САВОЛ БОР...**



**Носиржон НАРИМОНОВ, Чиноз тумани:**  
— Чиноз туманида яшайман. Андижон вилоятида яшовчи жавобгарга нисбатан қарз ундириш юзасидан даъво аризамни «Адолат» ахборот тизими орқали киритганман. Энди шу судда масофадан туриб иштирок этишим мумкинми?

**“СУД ИШИДА МАСОФАДАН ИШТИРОК ЭТСАМ БЎЛАДИМИ?”**



**Аброр ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:**  
— Албатта, мумкин. Олий суднинг “Adolat” ахборот тизимлари комплекси платформасида Интерактив хизматлар портали (my.sud.uz) ишга туширилган бўлиб, у орқали жисмоний ва юридик шахслар судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, харажатларни электрон тарзда тўлаш, қонуний кучга кирган қарорлар билан танишиш, ишлар ҳолатини онлайн кузатиб бориш имкониятига эга бўлди. Эндиликда фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари белгиланган тартибда смартфон, планшет, ноутбук воситасида иштирок этиши мумкин. Сиз ҳам Фуқаролик-процессуал кодекси 209-моддасига кўра, масофадан туриб, судда иштирок этсангиз бўлади.

**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**

**ҲАР БИР ЖИНОЯТ ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ, ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ**

**Маҳаллада яшовчи Д.М.нинг мурожаати асосида ўрганиш олиб бордим. Ўзаро жанжал ажралишгача келиб қолган эди. Янада ёмон жиҳати, ўртада фарзандлар етим қоляпти. Шу боис турмуш ўртоғи, қайнота-қайнонаси иштирокида муаммони муҳокама қилдик.**

тори сифатида 2017 йил иш бошлаганман. Уша пайт билан солиштирганда, бугунги шароитни кўриб, шукрона айтаман. Биргина “еттилик” ташкил этилгач, барча соҳалар ўз эгасига топширилди. Ҳар бир масала ҳамкорликда ечиляпти. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда “еттилик” елкадош. Хонадонларга кириб, муаммо ва тақлифларни ўрганишимиз. Ишсиз ва миграциядан қайтган инсонларни ҳожим ёрдамчиси кўмағида бандлиги таъминланса, маҳалла раиси билан нотинч оилалар муаммосига ечим топяпмиз. Айниқса, йигит-қизлар билан ишлашда ёшлар етакчиси яқиндан ёрдам берапти. Эътиборлиси, 2023-2024 йиллар давомида улар ўртасида жиноят содир этилмади.

кўрган инсонларнинг ўғити муҳим ўрин тутди. Мазкур жараёнда кекса авлод вакиллари йигит-қизларга тўғри йўл кўрсатяпти. Барчага аёнки, ишсизлик ва қашшоқлик — инсоннинг ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга ундовчи асосий омил. Яъни, молиявий аҳоли оғир инсон кўпинча умидсизликка тушиб, турли жиноий ҳаракатлар қилишга мажбур бўлади. Шу нуқтаи назардан, бугун ёшлар, аёллар ва ишсизлар билан индивидуал ишлаяпмиз, уларнинг бандлигини таъминляпмиз. Шу боис жорий йил якунига кўра, “яшил” тоифадаги маҳаллага айланганини кўзлаганмиз. Маҳаллада содир этилган ҳар бир жиноят фавқулодда ҳолат, деб ҳисобланади. Бу борада фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нуронийлар кўмағига таянпмиз. Чунки шу тизимни тўғри ишлата олсак, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, ёшларни тўғри йўлга солишга қодирмиз.

**Мақсадимиз — “хонадонбай” ишлаш тизими орқали ҳар бир оилага кириб бориш, аҳоли учун том маънода хавфсиз муҳит яратишдан иборат. Белгиланган вазифалар амалга ошиши учун соҳа ходимларининг тезкорлиги ва шаффоф фаолияти ҳамда фойхиларнинг бир нуктада бирлашмоқда.**

**Аббос ТУРСУНОВ, Тойлоқ туманидаги “Кўшчинор” маҳалласи профилактика инспектори.**

Ассосий сабаб етишмовчилик эканини аниқлаш, ҳожим ёрдамчиси тавсияси билан

имтиёзли кредит олишга кўмаклашдик. Натижада оила даромадли иш билан банд бўлди. Шу тариқа нотинч оила муроғига келди. Фаолиятимда бундай мисоллар кўп учрайди. Мен учун масаланинг катта-кичиги йўқ. Ҳар бир мурожаат ортида бир эмас, бир неча инсон тақдирини ётади. Мисол учун, юқоридаги каби эр-хотин ўртасидаги низога эътиборсиз бўлиш — катта фожиаларга замин яратади. Айниқса, ўзравонлик, ичкиликка берилиш каби иллатларни бартараф этиш учун “еттилик” ходимларидан зийраклик талаб этилади. Акс ҳолда...

Маҳаллада 6 163 нафар фуқаро яшайди. Ҳадемай, фаолиятимга 10 йил тўлади. Илк бор профилактика инспек-

Бунинг бир неча сабаблари бор. Масалан, “еттилик” ҳамкорлигидан ташқари, “Қалқон” гуруҳи ташкил этилган. Улар тунги навбатчилик олиб боради. Қолаверса, жиноятчиликни жилавланда замонавий технологиялар билан бирга, кўпни



**Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусахҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.**

**МУЛОҲОЗА**

**АЯНЧЛИ, ОҒРИҚЛИ ИЛЛАТЛАР ОРТИДА ИНСОНЛАР ТАҚДИРИ БОР**

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг асосий вазифаси жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларни ўтказишдан иборат. Халқона тилда айтганда, профилактика инспектори асосан жиноят бўлмаслиги учун масъул.**

**Қамола ХОЛМУРОДОВА, Ички ишлар вазирлиги тезкор-қидирув департаменти ахборот хизмати бошлиғи.**

Аслида, бу тизим ходимлари ҳақида ёзганда анча хотиржам қалам тебратамиз. Сабаби, судьялар тажрибаси бўлиб ўтган жиноят ва жиноятчига берилган жазо тафсилотини акс эттирсак, ички ишлар ходимлари

фаолияти буйича ҳулосалар анча умидбахш. Масалан, “шунча жиноятнинг олди олинди”, “мана бунча тонна гиёҳванд модда тўхтатиб қолинди” каби хикоялар ортида нафақат жиноятнинг бартараф этилгани, балки инсонлар ҳаёти билан боғлиқ кўнгилсизликларга чек қўйилгани ётади.

Дарҳақиқат, шундай. Профилактика инспектори адолатли бўлса, виждонан ишласа, жиноятлар камаяди. Бу борада ҳудудларда режали иш ташкил этиляпти. Масалан, яқинда республикамиз-

нинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган ички ишлар ходимлари саёй-ҳаракати билан юзлаб, балки минглаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди. Бирида одам савдосига чек қўйилган бўлса, иккинчисида гиёҳвандлик воситасини сотаётган шахс қўлга олинди.

...Бойсун туманида тезкор тадбир олиб борилиб, одам савдоси билан боғлиқ жиноят тезкорлик билан фош этилди. Аниқланишича, 2 нафар аёл хорижга кетиш истагидаги хотин-қизларни яхши ишга жойлашни ваъда қилган. Аслида эса, улар фохишалик учун олиб кетилаётгани аниқланди.

Иккинчи ҳолат Кўкдала туманида содир бўлди. Тезкор тадбирда ходимларнинг зийраклиги натижасида Косон туманида туғилган А.Н. махсус харидорга 6 минг



доллар эвазига 1 кг. оғирликдаги марихуанна гиёҳвандлик воситасини сотаётганда қўлга олинди. Яшаш манзили кўздан кечирилганда яна шунча микдордаги ги-

ёҳвандлик воситаси топилди. Бу рақамлар айтишга осон, гоҳида эътиборсиз ўтиб кетамиз. Аммо улар ортида юзлаб инсонлар, оилалар тинчлиги сақлаб

қолинганини ўйласак, салмоғини хис этамиз.

Ҳа, бу иллат жуда оғриқли ва ижтимоий жиҳатдан долзарб. Шу боис ҳар бир маҳаллада гиёҳвандлик ва нарकोжиноятларнинг салбий оқибатларидан оғохландирувчи тарғибот-ташвиқот тадбирлари доимий ўтказиляпти, хотин-қизларнинг гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига аралашиб қолишининг олдини олиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтариш буйича йиллик манзилли тезкор-профилактик тадбирлар дастури амалга ошириляпти. “Маҳалла — оилавий поликлиника — таълим муассасаси” тамойили асосида педагог, тиббиёт ходими, профилактика инспектори ва маҳалла фаолларининг ҳамкорликдаги профилактик ишлари йўлга қўйилди.

